



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 201 (11.762)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган маърузаси юзасидан хорижий давлатларнинг сиёсий ва эксперт-таҳлилий доираларида кенг муҳокамалар давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАБУСЛАРИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Британия парламенти депутати Мадлен Муннинг таъкидлашича, Президент Ислоҳ Каримов томонидан Афғонистон бўйича илгари сурилган таклиф-мулоҳазалар ва, айниқса, унинг «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш борасидаги ташаббуси Ўзбекистон ҳамда Буюк Британиянинг ушбу йўналишдаги манфаатлари муштарак эканлигидан далолат беради.

«Афғонистондаги халқаро ҳамжамиятнинг фаолияти муваффақиятсизлик билан тугайдиغان бўлса, моҳирога жалб қилинган барча тарафлар, шу жумладан, кўшни давлатлар, ҳеч шубҳасиз, зарар кўради. Мен Ўзбекистон раҳбари томонидан афғон муаммосини ҳал этишда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-дипломатик воситаларни мукамал тарзда қўлдан келтириш зарурлиги тўғрисида билдирилган фикрга тўла қўшиламан», деди депутат.

Франция халқаро муносабатлар институти эксперти Элиан Моссеннинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислоҳ Каримовнинг маърузасида келтирилган мулоҳазалар Марказий Осиё минтақасини ўрғанаётган гарблик эксперт-таҳлилий гуруҳлар учун жуда қизиқарли ва фойдалидир. У, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари, ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиёда барчага маълум бўлган ва ҳозирча яширин хусусиятга эга таҳдидларнинг ечимини тинч йўл билан ҳал этишда мустақкам асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида қайд этади.

«Фақат тинч ва барқарор жамиятдагина Мингйиллик ривожланиш мақсадлари декларациясида ўз ифодасини топаган кўрсаткичларга эришиш, хусусан, қашшоқлик ва ижтимоий ноҳорлик каби иллатларга барҳам бериш мумкин», дея ўз фикрини аёнлади Элиан Моссен.

Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг МДХ мамлакатлари бўйича иқтисодий тараққиёт бўлими раҳбари Елена Кузьминанинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг Ислоҳ Каримов ўз маърузасида нафақат Ўзбекистонга дахлдор бўлган, балки бутун Марказий Осиё хавфсизлиги ва тараққиётининг ўта долзарб масалалари юзасидан аниқ мулоҳазаларни билдириди.

«Афғонистон билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал қилишнинг кўп йиллик тажрибаси уларни биргина ҳарбий йўл билан бартараф этиб бўлмаганини яққол намойиш қилди. Ўзбекистон Президентининг томонидан илгари сурилган «6+3» мулоқот гуруҳи, ҳақиқатан ҳам, мамлакатдаги ва шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларини дипломатик воситалар билан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Президент Ислоҳ Каримовнинг жаҳон ҳамжамияти Афғонистондаги қашшоқлик муаммосини ечишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларда фаол қатнашиши зарурлиги тўғрисидаги фикри гоётада ўринли ва тўғридир», деди, жумладан, россиялик олима.

Е.Кузьмина Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги моҳирларга нисбатан босиқлик билан ёндашувини юқори баҳолади.

Унинг фикрига кўра, «Бугун Қирғизистондаги этник моҳиро сабабларини ва ушбу қонли тўқнашуларнинг айбдорларини аниқлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, табиийки, халқаро текширув ўтказилиши зарур».

Париждаги Америка университети профессори Стивен Экович Афғонистон муаммосини фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаганини тўғрисида Президент Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган ёндашувни қўлаб-қувватлади. Унинг фикрича, Ўзбекистон раҳбари тўғри таъкидлаганидек, ҳар қандай низоми ҳал қилишда биргина ҳарбий ёндашувнинг ўзи нотўғридир. «Ҳарбий воситалардан фойдаланиш доимо сиёсий мақсадлар билан боғлиқ бўлади, бундай мақсадларга сиёсий ҳамда дипломатик йўллар билан эришиш мумкин. Шу ўринда иқтисодий манфаатдорликнинг ҳам мавжудлиги моҳирони молиявий-иқтисодий воситалар орқали ечиш мумкинлигини далолат беради. Бу эса Афғонистондаги бугунги вазият нуктаи назаридан, айниқса, ўринлидир. Мазкур ҳолатда манфаатларга эришиш ва уларни амалга оширишда қуроли кучлардан қандай фойдаланиш мумкин, деган ҳақиқат савол турғилади», дея ўз мулоҳазасини баён этади С.Экович.

Унинг сўзларига кўра, «Президент Ислоҳ Каримов буни яхши тушулган ҳолда, Афғонистонда ишсизлик, йўқсизлик ва қашшоқликни тугатиш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш йўлида, аввало, иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилмавий ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур, деб ҳисоблаши айни муддаодир. Аҳоли ўртасида салбий қарашларнинг пайдо бўлишини олдини олиш учун бу ишлар ўта пухталиқ ва эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир мамлакат халқаро ҳамжамият кўмагида ўз ривожланиш суръатини белгилаб олиши керак».

Профессор С.Эковичнинг фикрича, Афғонистон билан қўшни давлатлар мазкур мамлакатда барқарорликка эришиши жараёнида фаол қатнашишлари зарур. Зотан, бу ҳолат минтақавий хавфсизлик масалалари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Президентининг мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришдан манфаатдор бўлган асосий кучларни жалб этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» шаклида кенгайтириш бўйича илгари сурган ташаббуси юқори баҳолашни, унинг фаолияти юзасидан аниқ йўналишларни белгилашда БМТнинг роли диққат билан таҳлил қилиниши ва қонунийлаштирилиши керак.

Шунингдек, С.Экович «Президент Ислоҳ Каримов мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишга эришишда истиқолнинг дастлабки йилларида танлаб олинган тараққиётнинг «Ўзбек модели» нақадар тўғри йўл бўлганлигини ҳаётнинг ўзи исботлаётгани хусусида фахр билан гапиришга тўла ҳақлидир», дея таъкидлади.

«Жаҳон» АА.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Алексей Попов олган сурат

Қўшма корхоналарда

ХАРИДОРГИР БЕЗАК АШЁЛАРИ

Мамлакатимиз ички бозорида ўзининг муқим ўрнига эга бўлган «Tezintom» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда самарали изланишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, жалб этилган инвестициялар ҳисобидан янги цехлар ташкил этилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланаётгани, модернизация ишлари амалга оширилаётганлиги рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхонанинг аҳоли бандлигини таъминлашда, ёшларга иш ўринлари яратишда ҳиссаси ҳам салмоқли бўлмоқда. Бугунги кунда бу ерда 220 нафар-

дан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда.

Ўз фаолиятини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб металлчерепицадор – кўркам томёпқич ишлаб чиқаришдан бошлаган ва айни пайтда бу йўналишда етакчи саналган «Tezintom» корхонасида Германиянинг «МЕЕН» технологияси асосида полимер қопламали металл ускуналар, алюмин-пластик эшик-роғлар, шунингдек ювиш воситалари тайёрланади.

(Давоми 2-бетда)



Замонавий, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, шунингдек, кичик бизнес ҳамда йирик корхоналар ўртасида саноат кооперациясини мустақкамлаш мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидандир.

КООПЕРАЦИЯ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда жорий йил 23 мартда имзоланган «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарори мазкур вазифаларни бажаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Бугун уюшма таркибига 43 тайёрлов пункти, 13 савдо-тайёрлов, 18 терини қайта ишлаш, 20 пойабзал, учта чарм-га-

лантерея буюмлари ишлаб чиқарадиган корхона ва битта сунъий чарм ишлаб чиқариш заводи кириди. Соҳа катта истиқболга эга. Айни пайтда уюшма корхоналари томонидан 400 турдаги пойабзал ва чарм-галантерея буюмлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ҳажми кенгаймоқда. Саккизта корхонада пойабзал тагчармлари, кеда ва кроссовкалар, металл тагли маҳсулот пайабзал, аввал четдан олиб келинган ПВХдан профиль ва деворбоп па-

неллар, плёнкалар, линолеум, пол қопламалари ишлаб чиқарилмоқда. Чарм-галантерея буюмларини ишлаб чиқариш ҳам ривожланмоқда. Масалан, Фарғона вилоятида аёллар сумкалари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида «Ўзбекчармпойабзали» корхоналарида татами, кураш гиламлари, баландликка сакраш учун ускуналар, баскетбол, футбол, гандбол тўрлари ҳамда бошқа спорт анжомларини тайёрлаш йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Қашқадарё вилоятидаги 62 та умумтаълим мактабида компьютер синфлари ташкил этилиб, замонавий ажборот технологиялари билан жиҳозланди.

• Сирдарё туманининг «Синдоробод» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси худудида «Интер Милк» МЧЖ чорвачилик мажмуаси фаолиятини бошлади. Ҳозир корхонада Голландиядан келтирилган 475 бош наслдор қорамол парвариш қилинмоқда. Тез орада бу ерда сутни қайта ишлаш йўлга қўйилади ва ўн турдаги сут маҳсулотлари тайёрланиб, хорижга экспорт қилинади.

• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўзбек адабиётини замонавий қаҳрамон образини яратиш масаласига бағишланган «Адабиёт яшаса, миллат яшайди» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Намангандаги «Карбонам» масъулия чекланган жамиятида нефть ва газ саноатида кенг қўлланиладиган, шу пайтгача мамлакатимизга хориждан келтирилаётган техник кабосиметалл-лцеллоза ва гумин ишқорли реагентини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

• Фарғона шаҳрида германиялик таниқли пианиночи Борис Шёнленберг ҳамда саксофончи Ян-Шулте Бунерт ижросида катта концерт дастури намойиш этилди. Ушбу тадбир Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонси ташаббуси билан уюштирилди.

• Қашқадарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Янги авлод» болалар боғларини ташкил этишга киришилди. Бунинг учун жами 180 гектар ер майдони ажратилиб, унга 18 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

• Наманган шаҳридаги «Дамбоғ пойабзал савдо» хусусий корхонасида замонавий технология асосида барасовка ва кроссовка каби спорт пойабзалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

• Гулистонлик тадбиркор Нормурод Туробов ўзи ташкил қилган «Нитаж-Карпет» корхонасида хориж технологияси ёрдамида бежирим гиламлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда 18 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига ўртача 5,5 минг квадрат метр ҳажмда гилам маҳсулотлари тўқилиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Кеча жаҳондаги етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида нефтнинг нархи сезиларли даражада ошди.

• Греция маъмурлари рўй бераётган кучли сув тошқинлари сабабли Хиос оролида фавқулодда ҳолат эълон қилишди.

• Украина Венесуэладаги газ ва нефть конларини ишга туширишда иштирок этишни кўзда тутмоқда.

• Франция қасаба уюшмалари томонидан уюштирилаётган норозилик намойишлари тобора кескин тус олмақда. Намойишчилар автомагистралларда транспорт ҳаракатини тўсиб қўймоқда, ёнилғи ресурслари сақланадиган омборлар ва ишлаб чиқариш объектларини қамал қилмоқда. Ҳатто полиция билан тўқнашувлар ҳам юз бермоқда. Хусусан, кеча полиция ва ёшлар ўртасида рўй берган тўқнашув натижасида 300 дан ортиқ киши ҳибсга олинди.

• АКШнинг Bank of America банки ипотека қарзларининг тўланмаганлиги учун 23 та штатдаги 100 мингдан ортиқ уйни мусодара қилишга киришмоқда.

• Reuters агентлиги Голландиянинг собиқ мустамлакалари — Синт-Мартин ва Кюрасао ороли Нидерландия қироллиги таркибидаги мустақил давлатга айланганлиги ҳақида хабар тарқатди. Бонайре, Саба ва Синт-Эстатюс Нидерландиянинг мухтор худуди бўлиб қолади. Келишув шартларига мувофиқ, Нидерландия ҳукумати янги ороллarning мудофаа ва ташқи сиёсати масалаларини ўз зиммасига олади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ажборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидин.

✓ **ТИЛ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ** — «Олтин нон» масъулия чекланган жамиятида ўтказилган шу мавзудаги тадбир Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинганлигига бағишланди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида кўз касалликларини даволашда замонавий технологиялардан фойдаланишнинг самарали усуллари бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ИҚТИДОРЛИ** қизлар ўртасида аънавий ўтказиб келинаётган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Собир Раҳимов тумани босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Тиббиёт академиясида уюштирилган спорт фестивали Баркамол авлод йилига бағишланди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

«Ўзэкспомарказ» мажмуасида 26-30 октябрь кунлари Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржанинг иккинчи босқичи бўлиб ўтади, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Мамлакатимизда иқтисодийнинг муҳим тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни фаол давом эттириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали замонавий ва рақобатбардош иқтисодий шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодий ривожланишнинг барқарорлигини таъминлашга имконият яратмоқда.

Саноатчиларнинг анжумани рақобатбардош, экспортроп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан кичик бизнес ва йирик корхоналар ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилмоқда.

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржанинг биринчи босқичида мамлакатимиз компаниялари томонидан жорий йил охиригача ва 2011 йилда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллари етказиб бериш бўйича бир триллион 225 миллион сўмдан ортиқ 2,5 миллиард долларлик экспорт шартномалари тузилган. Иккинчи босқичида 600 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий компаниялар иштироки кўтилмоқда.

Стендлар ва павильонларда мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг салоҳияти, кенг турдаги маҳсулотлар ва таклиф этилаётган хизмат турлари, илгор илмий-техник ва конструкторлик ишланмалари, истиқболли маҳсулотлар намойиш этилади.

Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари хорижий шериклар билан бевосита амалий музокаралар олиб бориш, мустақам тижорат муносабатларини ўрнатиш имконига эга бўлади.

Азима ҚИЁСОВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси раисининг Шариф Шералиевнинг айтишича, жорий йилнинг тўққиз ойида Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 23 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилган, ушбу даврда ўсиш суръати 124,6 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июнда қабул қилинган «2009-2012 йилларда чарм-пойабзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш

ҳамда тайёр чарм товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида уюшма корхоналари модернизация қилинмоқда, техник ва технологик қайта жиҳозланмоқда, дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан харид қилинган ускуналар билан таъминланмоқда. Бунинг натижасида корхоналар тайёрлаётган маҳсулотлар тури икки бараварга ошди.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан бу борада йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, пойтахтимиздаги «Кентаврус» кўшма корхонаси ва Косонсойдаги «Tradewell international» масъулияти чекланган жамиятида табиий чарм тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш линиялари фойдаланишга топширилди. Тошкентдаги «Пойабзалчи» масъулияти чекланган жамиятида янги ускуналар ўрнатилиб, спорт пойабзаллари ишлаб чи-

қарилмоқда. Мухтасар айтганда, 2009-2010 йилларда уюшманинг 10 пойабзал, 10 чарм ва учта чарм-галантерея маҳсулотлари ишлаб чиқарилган корхонаси модернизация қилинди.

Шу билан бирга, уюшма давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни

нинг 70 фоизини, сопол кошнларнинг 55 фоизини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, уюшма томонидан янги корхоналарни ташкил қилиш ва маҳсулотлар турларини кўпайтириш учун йўналтирилган 16,7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестиция ўзлаштирилди. 2011-2015 йилларда яна 10 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бу,

кистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва бошқалар билан кооперация алоқалари йўлга қўйилган.

Масалан, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясида «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси эҳтиёжлари учун бугунги кунгача хориждан сотиб олинган олтингургурт натрий, техник углерод, ПАВ эритувчилари ва моддалари ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси шу йилнинг октябрь ойи охирида ўтайдиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг иккинчи босқичида қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Уюшмадан маълум қилишларича, жорий йилнинг июлида ниҳоятга етган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг биринчи босқичида қиймати 7 миллиард сўмдан ортиқ шартнома, кооперация алоқалари ҳамда экспорт шартномалари доирасида харид қилиш ва етказиб бериш бўйича 4,5 миллион долларлик битимлар тузилган.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси кооперацион биржанинг халқаро аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, мамлакатимиз ва халқаро компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, қиймати 10 миллиард сўмлик шартнома ҳамда 8 миллион долларлик экспорт шартномалари тузишни режалаштирмоқда.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА шарҳловчиси

КООПЕРАЦИЯ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини бажаришга доир чора-тадбирлари ҳам амалга ошираётми.

Мисол учун, жорий йилнинг сентябрида мамлакатимизда «PENG Sheng» компанияси негизда чарм-пойабзал ва курилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган янги комплекс ишга туширилди. Сирдарё вилоятида ташкил этилган «PENG Sheng» масъулияти чекланган жамияти тўлиқ қувват билан ишга тушгач, 2011-2012 йилларда 600 минг дона қорамол терисини қайта ишлаш, 400 минг жуфт пойабзал, шунингдек, йилига 4 миллион квадрат метр сопол кошнлар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Янги корхонада ишлаб чиқариладиган чарм ва пойабзал маҳсулотлари

ўз навбатида, янги турдаги чарм-галантерея буюмларини ишлаб чиқариш имконини беради.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ўз фаолиятида ички тармоқ кооперация алоқаларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда 10 корхона билан 5 тармоқлараро кооперация алоқаси ўрнатилиб, хомашё ҳамда материаллар етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузилган. Жорий йил бошидан буён 7 миллиард 96 миллион сўмликдан ортиқ шартнома мажбуриятлари бажарилган. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 4 миллиард 120 миллион сўмлик ёки 101 фоиз шартнома ишлари бажарилган. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси, «Файз» холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбеккумир» очик-акциядорлик жамияти, «Ўзбе-

Бугунги кунда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишининг олдини олиш, аҳолининг пул маблағларини кенг жалб этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИ

Бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Банкнинг кредит операциялари бўлими бошлиғи Шавкат Тўрабоевнинг таъкидлашича, жорий йил саккиз ой мобайнида омонатчилардан дярли 5,5 миллиард сўм миқдорда нақд пул қабул қилинган. Жалб этилган омонатларнинг 87 фоизи мuddатли омонатга ўтказилган.

Коммунал тўловлар ҳажми салкам 4,2 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврида бу



кўрсаткич дярли 2,5 миллиард сўмга тенг бўлган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида «Коммунал хизмат тўловига» омонат тури жорий этилган. Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳисобига омонатчининг кўрсатмасига асосан коммунал тўловлари тўлаб берилиши йўлга қўйилди.

Жалб этилган маблағлар ҳисобидан ЎзСКБ Ҳамза филиали томонидан 8,4 миллиард сўм кредит ажратилган.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига ҳисса қўшиш мақсадида Болаларни соғломлаштириш, тарбиялаш ва таълим бериш марказининг реконструкциясини тугатиш мақсадида «Калиесто» хусусий корхонасига 700 миллион сўм миқдорда кредит ажратилиши натижасида 50 та янги иш ўрни яратилди. Марказда айни пайтда 380 нафар болажоннинг соғлиги мустаҳкамланмоқда.

Банк томонидан имкониятларни янада кенгайтириш, миқдорлар ишончини мустаҳкамлаш борасида саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

И.ДИЛШОДОВ

Иқтисодиёт

РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Юртимиз иқтисодиёти равнақи ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишга боғлиқдир.

«Aziaelectroenergiya» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ўз йўналиши бўйича муваффақията эришишида замонавий технологиялар билан таъминланганлиги, малакали кадрлар маҳорати ва ички бозорни чуқур ўрганиб борилаётгани муҳим ўрин тутди.

Сифат ҳамиша бош мезон бўлган «Aziaelectroenergiya» корхонаси ўтган йилда Германияда ўтказилган халқаро танловда олий мукофот – сифат кубогига сазовор бўлди.

Айтиш жоизки, ушбу мукофотга корхона импорт ўрнини босувчи юқори вольтли жиҳозлар, паст қучланишли ускуналар, бошқа кўплик электр маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали эришди. Малакали ишчи-хизматчиларнинг ҳар бир лойиҳада, ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот сифатини таъминлашда тажриба ва маҳорати кўл келмоқда.

Корхонада бозорни ўрганиш асносида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижий давлатларда ҳам харидорини топиши учун шерикчилик ўрнатиш ишлари қизгин олиб бормоқда. Айни вақтда истиқболли лойиҳалар, янги маҳсулот турларини яратиш устида изланишлар давом этмоқда. Буларни амалга ошириш мақсадида янги технологик линиялар ўрнатиш, ёшларга иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эзгу мақсад қилинган.

БОЗОР ВА ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДА

Бозор ва харидор талабларини чуқур ўрганиш асносида иш юритаётган кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз муваффақиятини таъминламоқда.

Хусусий тадбиркорларнинг изланишлари тўқувчилик соҳасида ҳам самарали кечмоқда. Мирзо Улуғбек туманида Фабийя Юритаётган хусусий тадбиркор Ойдин Ғаниева ҳам ўзи бш бўлган кичик цехда етти нафар аёлга иш ўрни яратди. Бу ерда буюртма бўйича турли-тумн либослар тикилади. Мавсумга қараб миқдорлар хоҳиш-истаги асосида барча буюртмалар қисқа мuddатларда бажарилади.

Ойдин Ғаниеванинг мутахассислиги модельер-дизайнер бўлиб, у ўза устида тинмай ишлаб бозорни чуқур ўрганиб бориб, илгор тажрибаларини ўзи раҳбарлик қилаётган жамоада табиқ қила бошлади. Йўналишини топишда бебаҳо анъаналаримизга таяниб, миллийликни замонавийлик билан уйғунлаштирган ҳолда биридан гўзал либослар яратмоқда. Янги-яни лойиҳалар моҳир қўлли тикувчилар меҳнати билан сайқал топмоқда.

Жорий йилда жамоа аъзолари академик л-цей, касб-хунар коллежлари ўқувчилари учн бежирим либосларга буюртма олиб, муваффақиятли уддалашди. Қисқа мuddатда ташкилот ишчи-хизматчиларига ҳам маҳсус иш кийилари тикишди.

УСТА ИЗИДАН

Халқ амалий хунармандчилигининг йўналишлари орасида ёғоч ўймакорлиги алоҳида ўрин тутди. Аждодларининг ўчмас меросини нафақат давом эттириш, балки янада бойитиш, равнақ топтиришда ёшларнинг ташаббускорлиги эътиборга лойиқ.

Шерзод Қодирқулов ўз хунари билан ёғоча жон ато этаётган усталар сирасига қиради. Ёшлигидан бу хунарга алоҳида меҳр қўйиб, сабр-тоқат билан ёғоч «тилини» мукаммал ўрганди. Бунда устози Тоир Файзуллаевнинг ўғитлари бесамар кетмади. Қўли гул усанинг ҳар бир доно маслаҳатига қатъий амл қилади.

— Давлатимиз томонидан биз, хунармандларга, катта имкониятлар яратилди, имтиёлардан унумли фойдаланишми, — дейди Шерзод Қодирқулов. — Бундай гамхўрликка жарабан иқтидоримизни намойиш қилишга интилимиз, миллий хунармандчилигимизни жаҳдча кенг танитишимиз зарур. Ота-боболаримизнинг бебаҳо меросини авайлаб-асраб давом эттирибгина қолмай, келгуси авлодларга ҳам бейибаъит етказиш бурчимиздир.

Шерзод йўналиши бўйича ўз ишлари билан кўпгаб кўрик-танловларда қатнашиб келмоқда. Санъат даражасига етказилиб тайёрлаётган унинг маҳсулотлари шогирдларини уста издан боришга ундамоқда. Икки нафар шогирдин тайёрлаётган уста янада руҳланган ҳолда ижод қилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Tezintom» қошидаги «Бахти симоне» масъулияти чекланган жамиятида ҳам ўнлаб ёшлар иш билан таъминланиб, бу ерда қўйма металлдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти. Бу борада харидор талаби эътиборга олиниб, машхур фирмалар кўргазмалари тўпламларидан фойдаланилмоқда. Замонавий техника ва технологиялар асосида корхонада миқдорнинг ҳар қандай нозик буюртмаси бажарилмоқда. Замонавий эшик, дарвоза, панжара, қаҳвахона ва ресторанилар учун ен-

ХАРИДОРГИР БЕЗАК АШЁЛАРИ

гил мебеллар, бир-бирини такрорламайдиган қандил ва бра ёриткичлари шундай маҳсулотлар сирасидан ҳисобланади.

Бугунги кунда бунёд этилаётган бино ва иншоотлар кўркини ошириш учун миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда безатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Tezintom» корхонасида иш-

лаб чиқарилаётган фибробетон ниҳоятда қўл келяпти. Фибробетон айниқса бино ташқи кўринишини таъминловчи бадийи безак ашёси бўлиб, замонавий дастгоҳлар қуввати билан тайёрланмоқда. Эски иншоотларни таъмирлаш ишларида ҳам осма шифт ва девор панеллари – фибробетон маҳсулотлари қўл келади.

Шарифа ИЛЁСОВА

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетиди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти, «Тошиссиққувват» ишлаб чиқариш унитар корхонаси ҳамкорлигида «Энергетиканинг замонавий муаммолари ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш» мавзусида илмий-техник анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманлар

ЭНЕРГЕТИКАНИНГ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ

Анжуманда сўзга чиққан электр ва иссиқлик энергетикаси соҳасидаги етакчи олимлар академик Р. Зоҳидов, профессорлар К. Аллаев, Д. Мухиддинов, Ф. Хошимов, «Тошиссиққувват» унитар корхонаси бошқарма бошлиғи Н.Хожимирзаев энергия ресурсларини ишлатишда энергия самарадорлигини ошириш, Ўзбекистонда «Яшил» энергетика истиқболлари, Ангрэн кўмирини бойитиш технологияси, атропо-мухитни муҳофаза қилиш ва энергия тежамкорлик йўллари, Ўзбекистонда қуёш-иссиқлик манбаларидан фойдаланиш, иклимининг минтақавий ўзгаришлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

«Глобал энергетик хавфсизлик», «Энергия ва ресурсларни тежаш технологиялари», «Анъанавий энергия манбалари», «Атропо-мухит муҳофаза ва иқлим ўзгариши таҳлили», «Энергетикада таълим фан ва ишлаб чиқариш интеграциясидаги инновацион жараёнлар» каби йўналишлар бўйича шўъбалар ва ялли мажлисларга 70 га яқин долзарб мавзулардаги маърузалар тақдим этилди.

Анжуман ишида республикада ишлаб чиқариш ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, айниқса гелиотехник жиҳозларига сервис хизмати кўрсатилишини таъминлаш учун илмий ва технологик негиз яратилганлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг миқёсда фойдаланиш шароитлари ва унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси, экологик тоза энергетика ривожланиш механизмлари, энер-

гетика иқтисодиётига эътибор қаратилди. Бу борада амалиётчи мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, илмий-ҳодимлар ҳамкорлиги кучайганлиги таъкидланди.

Долзарб мавзудаги бу каби анжуманлар республикамизнинг табиий ва минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги, иссиқлик энергетикаси йўналишидаги энергиятежамкор технологиялар ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича етакчи олимлар билан бирга ёшларнинг иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент давлат техника университети ўқитувчиси



AMOLOT

TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

Бир донишманддан «Дунёдаги энг ширин нарса нима», деб сўрашганида, «Фарзанд, унинг беғубор кулгуси» деб жавоб берган экан. Яна сўрашибди: «Дунёдаги энг аччиқ нарса нима? Ҳақиқатми?» Донишманд «Ҳақиқат аччиқ, ammo фарзанд доғи ундан ҳам аччиқроқ» деб жавоб берибди.

Дарҳақиқат, фарзанд камали, иқболи ота-она учун катта бахт бўлса, жамият учун тараққиёт гарови, эртанинг порлоқ истиқболидир.

Мустақилликнинг илк йилларидан оқибатда қизларимизни жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етказиш вазифаси давлат сиёсати даражасида амалга оширилади. Бу борада қўллаб қонуний ва меъриий ҳужжатлар қабул қилинди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида жаҳон андозалари даражасидаги касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар қурилди. Ёшларга илғор педагогик технологиялар асосида таълим бериш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди. Таълим сифати ва мазмунини ошириш, мактабларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув жиҳозлари,

компьютер ва лаборатория техникаси билан таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактаб 2007 йилда «Меҳр нури» жамғармаси то-

ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, иқтидор ва истеъдодларини юзага чиқариш учун барча имкониятлар мавжуд. Инглиз, тарих, биология фанлари чуқур ўргатилиши, уч мингдан

бўш вақтини тўғри тақсимлаш мақсадида «Чиройли ёзув», «Она тилим – жону дилим», «Қизиқарли математика», «Ёш кимёгарлар», «Ёш ҳуқуқшунослар», «Моҳир кўллар», теннис, футбол,

супасини забт этиши, Райҳона Яхшибоева ҳамда мактаб доирачилар гуруҳи «Янги авлод» фестивалида муваффақиятли қатнашиши эзгу ҳаракатлардан далолат беради.

Мақсадимиз таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида пухта билим бериш билан бирга ёш авлод маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни фидойи инсонлар қилиб вояга етказишдир, – сўзида давом этди мактаб раҳбари. – Илғор, изланувчан, ташаббускор ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг иш тажрибасини тарғиб этишга ҳам ҳаракат қилмоқдамиз. Бугун ёшларимизга берилаётган тарбия эртага ўзининг мевасини албатта беради. Бу борада биз, ўқитувчилар, зиммамиздаги масъулиятни унутмаслигимиз керак.

Шоира МУҲАМЕДОВА

2010 йил – Баркамол авлод йили

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИГА ЗАМИН

монидан капитал таъмирланди. Бу ерда ўқувчилар пухта билим олиши учун барча шароитлар яратилди. Шинам синф хоналари, ўқув-лабораториялар сўнги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган.

Мақтабимизда 1414 нафар ўқувчига ўз касбини рағбатлантириш бўлган 71 нафар устоз-мураббий таълим-тарбия бермоқда, – дейди мактаб директори Ёркиной Маматова. –

ортик китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази фаолият юритаётгани, мактабнинг веб-сайт вазифаси очилгани имкониятларимизни янада кенгайтирмоқда. «Заковат-интеллектуал» тўғраги тарих ўқитувчиси Наргиза Зоидова бошчилигида янги-янги иқтидорларни кашф этиш, ўқувчилар талов ва олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллашга муҳим ҳисса қўшмоқда. Уқувчиларнинг

баскетбол, шахмат-шашка каби ўттизга яқин тўғараклар очилган.

Интилиш, изланиш бор жойда натижа ҳам бўлади. 2006 йилда биология фани ўқитувчиси Манзура Раҳматуллаева «Йил ўқитувчиси» танлови голиби бўлиши, 2007 йилда мактаб республикада «Энг яхши мактаб» деб топилгани, Достон Юсупжонов, Умиджон Фаттоҳов каби иқтидорли ўқувчилар олимпиадаларда голиблик шох-

Турсунова. – Неча асарларки, ғазалнавис шоирларимиз Алишер Навоий ва Бобур ижоди янги-янги шеърят гушанини бойитиб келмоқда. Уларнинг ҳар бир асарларида улкан маъно, теран тафаккур, инсонни улугловчи, эзгулик чорловчи гўзал мисралар бор. Ўқиганинг сайин дилинг равшанлашиб, онг ва шууринг тиниқлашади, яшашга бўлган қизиқишинг ортиб бораверади. Бобур ижодини ўрганиш жараёнида ростиғулик, маърифатга интилиш, юрт тупроғининг ҳар бир қаричини эъзозлаш, вафо ва садоқат туйғуларини юксакка кўтариш каби гоёлар илғор сурилганлигининг гувоҳи бўламиз. Лицейимизда йил давомида буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар ўқувчиларнинг маънавий юксалишида, миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотишда ўзига хос ўрин тутди.

Ўқувчилар томонидан ижро этилган сахна кўринишлари, мумтоз куй ва кўшиқлар, дилбар рақслар ижодий кечанинг янада мазмунли ўтишини таъминлади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Инсонда эзгулик ва мукамалликка интилиш туйғуси кучли ҳисобланади. Тарбия жараёнида бу туйғу қанча кўп рағбатлантирилса, инсон шунчалик камол топади.

Қизларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент ирригация ва мелиорация институтида хотин-қизлар кенгаши раиси Г.Пўлатова ташаббускорлигида «Қизлар клуби» ташкил этилган. Клуб қошида «Спорт», «Моҳир кўллар» ҳамда таниқли санъаткор Малика Аҳмедова раҳбарлигида «Миллий рақс» тўғараклари фаолият олиб бормоқда.

Айни кунларда «Қизлар клуби»да ишлар қизгин бормоқда. Яқинда ўтказилган «Миллий либослар» кўрик-танлови, қизлар орасида волейбол бўйича ўтказилган спорт мусобақалари, қизларимиз ўз кўли билан ясаган нафис санъат намуналари кўргазмаси фикримизнинг яққол исботи бўла олади. Бундан ташқари, ҳафтанинг ҳар жума кунлари турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилади. Бундай тадбирлар давомида қизлар қизиқтирган масалалари юзасидан мутахассислардан маслаҳат олади.

Институтимизда бу каби эзгу ишлар кўлами кенг бўлиб, авваламбор қизларимизни вақтдан унумли фойдаланишга чорламоқда.

Чарос ТОШЕВА,

Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаси

Тарихдан яхши маълумки, буюк аждодларимиз яшаган бу кўҳна заминда ҳур ва эркин фикр доимо қадрланиб, фан, маданият ва санъат юксак равнақ топган. Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Саққокий, Хожа Аҳмад Яссавий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк даҳоларимиз халқларни бирлаштириб, энг инсонпарвар давлатни вужудга келтиришга ҳаракат қилиш билан бирга, адабиёт, маданият ва санъатни доимо тарғиб қилиб келганлар.

Бунинг натижасида нодир асарлар яратилган, уларни мутлоа қилган инсонлар маърифатли бўлишга, ўз халқининг урф-одатларини, миллийлигини асраб-авайлашга интилган.

Бугунги кун ёшлари-га аждодларимиз босиб ўтган шарафли йўлни

ТЕРАН МУШОҲАДАГА ЧОРЛАДИ

бўлиб ўтган «Бебахо хазина» мавзусидаги ижодий кечада маърифатпарвар шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, ижоди, Бобурийлар су-

Тадбирда ижтимоий-гуманитар кафедра мудири М.Омонов, тарих фани ўқитувчиси Т. Шокоров, журналист А. Сатторов, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети амалиётчилари шоирнинг ғазаллари, «Бобурнома» асарининг ёзилиш тарихи, Хумоюн ва Акбар шоҳ давридаги адабиёт ва санъатга бўлган эътибор ҳақида тўхталиб ўтишди.

Буюк боболаримиз қолдирган ўлмас мерослар ичида адабиётга бўлган эътиборнинг ўрнини алоҳида таъкидлашимиз жоиз, – дейди академик лицейнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Матлуба



ўргатиб боришда ўқув муассасаларида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

С.Сирождинов номли академик лицейда

лоласининг сўнги вакиллари ҳақида мушоҳадага бой бўлган теран фикрлар билдирилди. Адабиёт кечаси баҳс ва мунозара, савол-жавоблар тариқасида ўтди.

Бу дунё ажиб ва мураккаб. Инсон доимо орзулар оғушида, бирор мақсад сари интилиб умр кечиради. Баркамол авлод йилида минглаб ёшларимиз талабалikka етишиш учун интилди.

Интилганга толе ёр

ТАЛАБАЛИК СУРУРИ — ОЛИЙ БАХТ

Агар ўзим мисолимда буни талқин этсам, дастлабки йили Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетида ҳужжат топширганман. Бироқ омад менга кулиб бокмади.

Енгилган курашга тўймас экан. Бор кучимни, иродамни, ўзимга бўлган ишончимни жамлаб, бу йил яна бир бора олга интилдим. Натижада орзу қилган университетнинг халқаро журналистика факультетига грант асосида қабул қилиндим.

Демак, қилган меҳнатим ва ўз устимда ишлашим зое кетмади. Ҳа, интилганга толе ёр. Ўқиш, интилиш ва яна тинимсиз ҳаракат ҳар бир ёшнинг доимий ҳамроҳи бўлсин. Ҳеч қачон тушкунликка тушманг, азиз дўстлар. Мақсадингиз аниқ бўлса, унга эришасиз. Орзуингиз ҳам албатта ушалади.

Ситора САИДОВА,

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети биинчи босқич талабаси

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда кўрик-танловлар муҳим аҳамият касб этади. Айна танловлар орқали ёшлар ўз истеъдоди ва маҳоратини намоён эта олади, ижодий ишлари, қўлга киритган ютуқлари орқали тенгдошлари олдида танилади, ҳурмати ошади.

Албатта, ота-она учун ҳам фарзандининг ютуғини кўришдан ортик бахт бўлмаса керак. Аксинча, гиевандлик ёки жиноятчилик йўлига кириб, ота-онанинг юзини ерга қаратишдан, қаддини букишдан оғирроқ дард йўқдир. «Ёшлар парвози» танлови ўғил-қизларда дунёвий билимларни чуқур билиш, эъзозлаб келинаётган қадриятларимизни ҳурмат қилиш, меҳнат-севарлик, ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган.

Буюк алломаларимиздан Алишер Навоий олти ёшида шеър ёза бошлаган, 15 ёшида Ибн Сино машҳур табиб бўлган, Абу Райҳон Беруний самони кузатган. Ёшларимиз ўзлигини намоён этиш мақсадида ижодий ишлари билан «Ёшлар парвози» танловида фаол қатнашмоқда.

Танловлар

ЁШЛАР ПАРВОЗИ

Ёшларда ижодкорлик қобилиятини ўстириш учун шароитлар яратиш, истеъдодини рағбатлантириш, ота-боболаримизнинг эзгу гоёларини ёш авлод қалбида акс эттириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, анъана ва қадриятларимизнинг ўрни ва аҳамиятини ижодий ишлар орқали очиб бериш мақсадида «Амолот» ЁИХ шаҳар бўлими томонидан Юнусобод машинасозлар касб-хунар коллежида «Ёшлар парвози» кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари қатнашгани эътиборга лойик. Одатда танловлар эълон қилинганда, иқтидорли болалар биринчи навбатда иштирок этиш ташаббуси билан чиқар эди. Ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор болаларнинг кўриқда фаол иштироки камолотчилар ютуғидир. Ижодий ишларда ёшларнинг «парвози» бир-бирига ўхшамаган, лекин ҳаммасида интилиш, изланиш, ҳаракатда жўш уриб

турган беғуборликнинг шашти сезилиб турди.

Танлов якунларига кўра Шаҳноза Ризаева биринчи ўринни эгаллади. Кейинги совринли поғоналар Жаҳонгир Ғофуров ва Моҳира Исмаиловага насиб этди. Танлов совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Гулнора АБДУВАХОБОВА,
«Амолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши бўлими бошлиғи

Семинарлар

МАҚСАД — БИЛИМ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Пойтахтимизда «Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ривожланиш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида бир пайтнинг ўзида иккита семинар бўлиб ўтмоқда. Улар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Германиянинг «InWent» халқаро малака ошириш ва ривожланиш жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мамлакатимизда ходимларни ўқитиш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили етакчи халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда, билим даражасини ошириш бўйича кўплаб тренинглар, ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу галги давра суҳбатига давлат бошқаруви соҳасининг етакчи мутахассислари ва вакиллари иштирок этмоқда.

Сайёҳликни ривожлантириш услубларига бағишланган дастлабки семинарда сайёҳлик-меҳнат, сайёҳлик маркетинги, жумладан, имидж ва брендинг яратиш ҳамда соҳани ривожлантириш мавзулари муҳокама этилди.

Иккинчи семинарда ўз маҳсулотини экспорт қилишни режалаштираётган ва товарларини сотиш учун янги бозорларни излаётган кичик бизнес вакиллари қатнашмоқда. Тингловчилар экспорт маркетингини ташкил қилиш, экспорт фаолияти режасини ишлаб чиқиш услублари билан танишди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, бундай семинарлар мамлакатимиз корхоналарининг рақобатбардошлиги ва бозорга йўналтирилганлик хусусиятларини оширади, юртимизнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам беради. Жорий йилда ушбу семинарларда иқтисодийнинг турли соҳасида меҳнат қиладиган 106 нафар мутахассис ўқитилди.

(ЎЗА)

РУҲИЙ МАДАД — ИШОНЧ ПОЙДЕВОРИ

Пойтахтимизда кўкрак беги саратони билан хасталанган аёлларга руҳий мадад беришга бағишланган беш кунлик семинар-тренинг бошланди.

«Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика онкология илмий маркази, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир соҳа мутахассислари ва руҳшуносларнинг сайёҳ-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилди.

Сўнги йилларда дунёда онкология касалликлари долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, замонавий тиббий ютуқларга қарамай, кўкрак саратон беги касаллигига чалинаётганлар ҳам кўпайиб бормоқда.

Юртимизда ушбу касалликни барвақт аниқлаш, унга ташхис қўйиб даволаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилади. Ушбу касалликни хотин-қизлар, айниқса туғиш ёшидаги аёллар орасида кўплаб учраётгани барчани бирдек ташвишга солаётди. Касаллик узоқ муддатли ва қиммат даволаш жараёнини талаб этгани учун ҳам ундан кейинги тиббий ва ижтимоий реабилитация масаласи муҳимдир. Шу боисдан бу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги катта аҳамият касб этади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларининг фикрича, ушбу касалликни барвақт аниқлаш 60-65 фоизни ташкил этади. Хасталикни эрта аниқлаш ва даволаш учун кейинги ўн йил ичида янги турдаги дори-дармонлар, нур апаратлари, жарроҳликнинг янги усуллари кириб келди. Булар ёрдамида касалликка эрта ташхис қўйишни янада юқори фоизга кўтариш масаласида амалий чоралар кўриломоқда.

Бирор касаллик билан хасталанган инсонга тиббиёт ходимлари томонидан биринчи ёрдам кўрсатилади, – дейди «Туркистон-пресс» муҳабрига психолог Шохида Жумаева. – Бироқ руҳий жиҳатдан кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам долзарбдир. Семинар-тренинг давомида соҳа ходимлари ўзаро тажриба алмашиб, кўкрак беги саратони билан хасталанган аёлларнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш йўлида қатор режали дастурлар ишлаб чиқишни кўзда тутилмоқда.

Машгулотлар аёлларни оилада, жамиятда ўз ўрни ва мавқени сақлаб қолиши учун ҳар томонлама кўмаклашишга бағишланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бундан ташқари, семинарнинг илк кунда соҳа мутахассислари, олимлар, фармкомпаниялар вакиллари онкология касалликларни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш имкониятларини кенгайтириш, тиббий, ижтимоий ва руҳий реабилитация масалаларини такомиллаштириш, замонавий клиник онкология ютуқларини амалда татбиқ этиш сингари масалаларда фикр алмашишди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА

Кўкка бўй чўзиб, самони қучишга шайланган гумбаз маҳобати ақлни шоширади. Куёшнинг заррин нурлари ила жилланган гумбаз ҳар қанча таъриф-тавсифга сиймайди гўё. Бу салобатли гумбаз остида Темурийлар салтанатининг шонли тарихи ўз ифодасини топган.

МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ



Музейнинг биринчи қисми «Соҳибқирон – буюк бунёдкор» деб номланиб, унга бўлинган: туғилиш, юксалиш, фахрлиги. Буюк бобокалонимизнинг ҳаётига бағишланган жуда катта кўринишдаги миниатюра тасвирлари улкан тарихий ҳақиқат ҳақида сўзлаётганга ўхшайди. Музейнинг иккинчи қавати асосий қисм ҳисобланиб, у бир нечта бўлимлар кўринишида намоён бўлади. Темурийларга бўлган даврда Марказий Осиёдаги давлатлар, Соҳибқироннинг ҳокимият тепасига келиши, ҳарбий юришлари, бунёдкорлик ишларига оид бўлимлар шулар жумласидандир. Бўлимларнинг барчаси Темурийлар тарихининг буюклигини ўзида акс эттиради.

Дарҳақиқат, музейни томоша қила туриб, мозий билан юзлашгандай бўласиз. Бу ерга келувчи ҳар бир томошабин чехрасида аждодлар руҳи уни маънавий юксалиш сари чорлаётганини акс садосини кўрасиз.

Темурийлар тарихи давлат музейи илм ўчоғи сифатида ҳам халқимизнинг давлатчилик тарихини ёритиб берувчи, аждодларимизнинг бой моддий ва маънавий меросини ўзида мужассамловчи ва илмий тадқиқ этиб келажақ авлодга етказувчи ягона ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларидан бири сифатида бу ерда Амир Темури ва Темурийлар даври тарихига оид кўлама кенг изланишлар давом этмоқда. Тадқиқотлар натижасида «Амир Темури жаҳон тарихида», «Темурийлар даври манбаларида Чағо-

ниён», «Занги ота», «Темурийлар тарихи давлат музейининг заллари бўйлаб», «Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Темурий шаҳзодалар», «Темурийлар даври маданий ёдгорликлари», «Амир Темури ва Темурийлар даври: янги тадқиқотлар», «Клавихонинг Самарқандга сەҳрати» каби рисола, тўплам ва илмий мақолалар нашр этилди.

Музейда Темурийлар даврига оид ўзбек ва хорижий тилларда кўплаб илмий, илмий-оммабоп ва адабий нашрларни ўз ичига олган ўзига хос кутубхона ҳам фаолият юритмоқда. Катта ва кичик залларда республика миқёсида ва халқаро мақомадаги илмий конференциялар, турли тадбирлар, илмий тадқиқот институтлари ва музейлар билан ҳамкорликда йирик кўргазмалар ташкил этиш аъёнига айланган. Бундан ташқари, Франция, АҚШ, Германия, Австралия каби давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда музей ўз экспонатлари билан қатнашиб, ўзбек халқининг бой тарихини кенг тарғиб қилишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Амир Темури ва Темурийлар даврининг жамланмаси сифатида Темурийлар тарихи давлат музейи мамлакатимиз фахри ҳисобланади. Ёш авлодни маънавий етув ва баркамол қилиб тарбиялашда, ўғил-қизларимизда халқимизнинг шонли тарихидан фахрлиги ҳиссини уйғотишда бундай маънавият ўчоқлари муҳим аҳамият касб этишини унутмайлик.

**Ақбар ЖИЯНОВ,
Муҳтарома КОМИЛОВА,
«Туркистон-пресс»**



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

«ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР» ДАН

Ком еткурмак ганимат
англа ҳоҷат аҳлига,
Эй ганий, бу дамки коминг
бирладур даврон ҳануз.

Пил ўлса сенинг хасминг,
десанги зарар топмай,
Бир пашшаға оламда
еткурма зарар ҳаргиз.

Бу дамни тут ганиматким,
келур дамдин асар йўқтур,
Не дамким, ўтти, худ андин
киши топмас нишон ҳаргиз.

Десанг замона ситезини
ҳар замон кўрмай,
Замонни хуш туту қилма
замона бирла ситез.

Пок лафз айтурға оғзинг
пок қилким, ҳайфдур
Яхши сўз боринда сургай
нуктайи мазмум оғиз.

Даҳр судидин тамаъ узким,
зиёне беш эмас,
Умрни тутқил ганиматким,
замоне беш эмас.

Уй бино айлаб, ажабтур
элни меҳмон айламак,
Улки бу уй ичра беш кун
меҳмоне беш эмас.

Меҳр тожу чарх тахтинг
бўлса гофил бўлмаким,
Меҳр бемехру фалак
номехрибоне беш эмас.

Агарчи қон ютар булбул,
вале не ғам анга, чунким
Навола гунчадин айрую гулдин
ўзга хон эрмас.

Бўлмангиз мағрури хусн,
эй шўхларким, боғ аро
Сиз киби билтурғи гуллардин
бири пайдо эмас.

Даҳр шўҳига кўнгул гар
бермадим, айб этмангиз,
Ишваси чинму эмас,
ё аҳди ёлғонму эмас?!

Гунчаким, очилди,
буткармак ани имкон эмас.

Кимдурур бу коргаҳ
вазъигаким ҳайрон эмас.

Тори уммид аро ҳарисни бил
Риштаи анкабут ичнда мағас.
(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Ўзбекистон Фанлар академияси тизимига кирувчи Темурийлар тарихи давлат музейига сەҳратимиз мана шундай таассуротлар билан бошланди.

Амир Темури хиббонига ҳамоҳанг тарзда бунёд этилган музей олисдан ўзининг бетакрор зангори гумбаз билан кўзга ташланади. Унга яқинлашган сари шарқона меъморилик ва ажойиб ганҷкорлик намуналари билан безалган фусункор бино салобати янада ёрқинроқ намоён бўла бошлади. Темурийлар тарихи давлат музейи 14 йилдириқ шахримиз аҳолиси ва меҳмонларнинг сеvimли қадамжоларидан бирига айланган.

Соҳибқирон бобокалонимизнинг улкан давлатчилик тарихини абадийлаштириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан 1996 йил Амир Темури йили деб эълон қилинди ва унинг 660 йиллик юбилейи республикамизда кенг нишонланди. Юртбошимиз раҳнамолиги остида Темурийлар тарихи давлат музейи биноси қисқа вақт ичда барпо этилиб, 1996 йилнинг 18 октябрида фойдаланишга топширилди.

Музейлар халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида, истиқлол гоғларига садокат ва она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотишда зарур вазифа ҳисобланади. Амир Темури ва Темурийлар даврида маърифат ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳақиқий акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва аъёнларимиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби вазифаларни амалга ошириб келаётган Темурийлар тарихи давлат музейи ҳам бу борда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг исботи сифатида рақамларга мурожаат қиламиз. Утган давр мобайнида музейга ташриф буюрувчилар 1,6 миллиондан ортиқ. Улар чет эл сайёҳлари, турли давлатлардан келган расмий меҳмонлар ва юртимиз аҳолиси билан иборат бўлиб, улар орасида ёшлар кўпчилигини ташкил этиши кувонарли ҳолдир.

Музей биносига кирар экансиз, бетакрор ёрқинлик ва гўзалликдан руҳингиз тетикликни ҳис қилади. Бу Те-

мур давлатининг адолат асосида қурилганига ишорадек гўё. Кенг майдон узра нур таратаётган сержило улкан қандил кўзни қамаштиргудай бежирим. Майдон атрофидаги деворларда Темурийлар даврини ўзида намоён қилувчи миниатюра тасвирлари, шунингдек мозийдан гўё сизни викор билан кузатиб турган теурий шаҳзодалар портретлари ўрин олган. Темурийлар давридан бошлаб то бугунги кунгача бўлган тарихни ўзида акс эттирувчи турли ноёб ашё ва экспонатлар шонли ўтмишдан ҳикоя қилади.

Музей хазинасида Ўзбекистон тарихини намоён қилувчи уч мингдан ортиқ ашёлар сақланади, — дейди Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Саодат Саидхонова. — Амир Темури ва Темурийлар тарихига оид кўлэмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, Гўри Амир мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, умуман XIV-XV асрдан то XIX-XX асрларгача бўлган даврга оид китоблар, тангалар, этнографик буюмлар мужассам. Бундан ташқари, меҳмонлар, элчихоналар ва коллекционерлар томонидан совға қилинган тангалар, идишлар, Темурийлар даврига оид кўлэмалар, хатлар нусхалари, тангалар, этнографик буюмлар мужассам. Бундан ташқари, меҳмонлар томонидан совға қилинган тангалар, идишлар, Темурийлар даврига оид кўлэмалар, хатлар нусхалари, тангалар, этнографик буюмлар мужассам. Бундан ташқари, меҳмонлар томонидан совға қилинган тангалар, идишлар, Темурийлар даврига оид кўлэмалар, хатлар нусхалари, тангалар, этнографик буюмлар мужассам.

Дарҳақиқат, музейни томоша қила туриб, мозий билан юзлашгандай бўласиз. Бу ерга келувчи ҳар бир томошабин чехрасида аждодлар руҳи уни маънавий юксалиш сари чорлаётганини акс садосини кўрасиз.

Темурийлар тарихи давлат музейи илм ўчоғи сифатида ҳам халқимизнинг давлатчилик тарихини ёритиб берувчи, аждодларимизнинг бой моддий ва маънавий меросини ўзида мужассамловчи ва илмий тадқиқ этиб келажақ авлодга етказувчи ягона ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларидан бири сифатида бу ерда Амир Темури ва Темурийлар даври тарихига оид кўлама кенг изланишлар давом этмоқда. Тадқиқотлар натижасида «Амир Темури жаҳон тарихида», «Темурийлар даври манбаларида Чағо-

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Тошкент Фотосуратлар уйида Таиланд Қироллиги маликаси Маха Чакли Сиридорнинг «Ўзбекистон ҳақида достон» мавзусидаги фотокўргазмаси ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ДОСТОН

Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор табиати манзаралари, меъморий обидалари, ёдгорликлари, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари диёримизга ташриф буюрган хорижлик меҳмон ва сайёҳларда катта қизиқиш ва таассурот уйғотади. Бу касб-коридан, ёшидан қатъи назар сайёҳларни Ўзбекистон манзараларини тасвирга туширишга ундаши табиий.

Музей биносига кирар экансиз, бетакрор ёрқинлик ва гўзалликдан руҳингиз тетикликни ҳис қилади. Бу Те-

Назокат УСМОНОВА

АСАЛ БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яратилаётган имкониятлар самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми муттасил ошаётди. Юртимиз бозорларида бўлган киши расаталарда товланаётган турфа ноз-неъматларни кўриб, она ер саховати, деҳқон ҳимматига тасанно айтади. Ушбу неъматлар орасида айниқса асал ўзининг шифобахшлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Юртимизнинг мўътадил иқлими асал йиғиш ва асал маҳсулотларини етиштириш учун жуда қулайдир.

Асал байрами савдо-ярмаркасини ўтказишдан асосий мақсад асаларичиларни савдога жалб этиш орқали аҳолини сифатли асал маҳсулотлари билан таъминлашдир, — дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳар асаларичилар уюшмаси раиси

Пойтахтимиздаги «Авиасозлар», «Фарҳод» ва «Юнусобод» бозорларида асал байрами савдо ярмаркаси давом этмоқда. «Тошбозортайёрлов» уюшмаси, Тошкент асаларичилар уюшмаси ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада Тошкент шаҳар асаларичилар жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Ҳамид Некқадамбоев. — Ярмаркада асаларичиларимиз ўзлари етиштирган маҳсулотни нисбатан арзон нарҳларда сотмоқда. Бу ерда асал, асал муми, болари чанги, асалари сути каби турфа маҳсулотларни танлаб олиш мумкин.

Ҳозир пойтахтимизда икки юз нафар асаларичи фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бирида ўртача 150 асалари оиласи мавжуд. Жорий йилда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида юз эллик тоннадан ортиқ асал тайёрланди. Ушбу маҳсулот шаҳар

бозорларида ташкил этилган асал байрами савдо-ярмаркалари орқали аҳолига нисбатан арзон нарҳларда етказиб берилмоқда.

— Ҳар йили кузда ўтказиладиган асал байрамидан оиламиз эҳтиёжи учун энг яхши маҳсулотлар харид қиламиз, — дейди харидор Лола Соатова. — Бугун тумонинг олдини олиш, болалар иммунитетини оширида кўллаш учун прополис харид қилдим. Нархи нисбатан арзон. Сифати ҳам яхши.

Сайёра ШОЕВА

Спорт янгилеклари

ОМАД ЁР БЎЛСИН

Футбол бўйича уюштирилган жаҳон чемпионати ва бошқа халқаро турнирларда чемпионати имконияти чекланганлар таркибидаги миллий терма жамоамиз доимий равишда голиб бўлишига ўрганиб қолганмиз, десак адашмаймиз.

Ушбу муваффақиятларга, албатта, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик асос бўлмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси ногирон-ампутантлар ўртасида Аргентинада ташкил этилаётган навбатдаги жаҳон чемпионатида жўнаб кетди. Ушбу нуфузли турнирда жамоамиз «В» гуруҳида Бразилия, Нигерия ва Эрон жамоаларига қарши голиблик учун кураш олиб боради.

Муҳлислар номидан спортчиларимизга жаҳон чемпионатида омад тилаб қоламиз.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ОСИЁДА ИККИНЧИ

Индонезияда сув полоси бўйича Осиё чемпионати ташкил этилди. Ушбу спорт тури анча ривожланган қитъа мамлакатларига қарши голиблик учун кураш олиб борган Ўзбекистон терма жамоасига омад кулиб боқди.

Қитъа биринчилигига пухта ҳозирлик кўрган ҳамюртларимиз гуруҳ баҳсларида ва чорак финалда барча рақибларидан маҳоратли эканликларини исботлашди. Ярим финалда хитойликлар билан тўқнаш келган жамоамиз мurosасиз ва шиддатли кечган беллашувни сўнги дақиқаларида ўз фойдасига ҳал этди. Қизилкарли баҳс 12:10 ҳисобида ҳамюртларимиз ғалабаси билан якунланди.

Финалда Осиё чемпиони Эрон терма жамоасига қарши ҳамюртларимиз сермазмун ўйин намойиш этишди. Шиддатли ва кескин курашлар остида кечган беллашувда маҳорат ва тажриба бобида бироз устунлик қилган эронликлар 8:6 ҳисобида зафар кучди. Ҳамюртларимиз иккинчи ўринни эгаллаб, қитъада ушбу спорт тури бўйича ҳам кучли жамоалардан бири эканликларини исботлашди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бўшқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2635 нусxada босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишиңгиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5